

Ғийбатнинг ҳаромлиги ҳақида (5-қисм)



14:28 / 15.03.2018 3584

Ҳадис. «Дўзах аҳлининг баданларини қичима қоплайди. Бас, улар қашланадилар. Ҳаттоки улардан бирининг (қашланавериб) териси тушиб, суяги кўриниб қолади. Унга: «Бу сенга азият беряптими?» деб нидо қилинса, «Ҳа» деб жавоб беради. Нидо қилувчи: «Бу (жазо) мўминларга озор берганинг эвазигадир», дейди».^[1]

Оят. «Ҳар бир ҳумаза ва лумазага вайл бўлсин. У мол жамлади ва уни санаб турди».^[2] Муфассирлар бу оятнинг омм (умумий) ёки хос экани борасида ихтилоф қилганлар. Баъзи муфассирлар бу оят хос бир киши ҳақида нозил бўлиб, бу оятда фақат ўша одам назарда тутилган, дейдилар. «Тафсири Жалолайн» муаллифи ёзади: «Бу оят Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ва мўминларни ғийбат қилган Валид ибн Муғйра ва унинг шериклари ҳақида нозил бўлган». Калбийнинг Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилишича, бу оят Ахнас ибн Шарийқ ҳақида нозил бўлган, чунки у Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳамиша ғийбат қилар, асосий вақтини мўминларни ёмонлашга сарфлар эди.

Баъзи муфассирлар: «Ҳумаза ва лумазадан мурод хос бир киши эмас, бу оят ҳар бир ғийбат қилувчи шахсга тегишли», дейдилар. Буни Кархий Мужоҳиддан нақл қилган бўлиб, муҳаққиқларнинг мазҳаби ҳам шудир. Ушбу фикрга кўра, гарчи бу оят Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ғийбат қилган кишилар ҳақида нозил бўлган бўлса ҳам, у ҳар бир ғийбат

қилувчига тўғри келаверади, хоҳ Ахнас ибн Шарийқ бўлсин, хоҳ Валид ибн Муғийра бўлсин ёхуд бошқа одам бўлсин. Имом Розий ҳам «Тафсири кабир»да шу фикрга қўшилганлар.

Муфассирлар «ҳумаза» ва «лумаза» сўзларининг маъносида ҳам ихтилоф қилганлар. «Жавоҳирут-тафсир»да нақл қилинишича, баъзилар иккисида ҳам ғийбат қилувчилар назарда тутилган, дейдилар. Калбийнинг Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан қилган ривоятига кўра эса, ҳумаза – орқадан ғийбат қиладиган, лумаза эса одамни бошқалар ёнида юзига лаънатлаб, сўкадиган кишидир. Аммо Сулаймон Жамал «Тафсири Жалолайн»га ёзган хошиясида («Ал-Футухотул илаҳийя») Ҳасан Басрийдан бунинг аксини нақл қилган, яъни ҳумаза – одамлар олдида кишини ёмонлайдиган, лумаза эса орқадан ғийбат қилувчи кишидир. Имом Розий «Тафсири кабир»да имом Абу Зайддан: «Ҳумаза – одамларга қўли билан озор берадиган, уларни урадиган кимса, лумаза эса одамларга тили билан озор берадиган кишидир», деган сўзни келтиради. Хуллас, бу оятда Аллоҳ таоло ғийбат қилувчиларга ўта қаттиқ азобни ваъда қилган. Одамларга ҳайронман, бошқаларни ғийбат қилиб, ўзини Аллоҳ таолонинг қаҳру ғазабига гирифтор қилишади. Ҳеч шубҳа йўқки, агар Аллоҳ таоло адолат билан ҳисоб-китоб қилса, ичимизда бирор киши нажот топа олмайди.

Аллоҳ таоло барчамизга Ўз иноят назари билан қарасин! Омин.

Ҳикоя. Саъдий раҳимаҳуллоҳ айтади:

Тариқатшиносони собит қадам,

Ба хилват нишастанд чандий ба ҳам.

Яке з-он миён ғийбат оғоз кард,

Дари зикри бечорае боз кард.

Касе гуфта-ш эй ёри шўрида ранг.

Ту ҳаргиз ғазо карда-и дар Фаранг.

*Гуфт аз паси чор девори хеш,
Ҳама умр наниҳодаам пой пеш.*

*Чунин гуфт дарвеши содиқ нафас,
Надидам чунин бахт баргашта кас.*

*Ки, кофир зи пайкораш эмин нишаст,
Муслмон зи жаври забонаш нараст.*

Назмий маъноси:

*Неча собитқадам аҳли тариқат,
Бирга ўлтирдилар хилватда бир вақт.*

*Бирови ғийбатни бошлади секин,
Очди бир ғарибнинг айблов эшигин.
Бири унга деди: «Эй шўрлик башанг,
Фарангда кофир-ла қилганмисан жанг?»*

*Деди: «Мен уйим тўрт деворидан ҳам
Умрбод ташқари қўймадим қадам».*

*Деди содиқ нафас дарвеш ул они:
«Кўрмадим ҳеч сендек бахтиқарони,*

Кофир тиғингдан ҳеч зарар кўрмабди,
Муслмон тилингдан омон бўлмабди».

Насрий баёни: Тариқатни билувчи, қадами собит кишилардан бир нечаси хилватда бирга ўтирган эдилар. Улардан бири ғийбатни бошлади. Бир бечорани зикр қилиш, яъни ёмонлаш эшигини очди. Бир киши унга: «Эй шўрпешона дўст, сен ҳеч Фарангда (кофирлар билан) уруш қилганмисан?» деди. У: «Умр бўйи ўзимнинг тўрт деворимдан ташқарига қадам қўймаганман», деди. Содик нафасли дарвеш унга шундай деди: «Сендек бахтиқаро кишини кўрмадим. Кофир унинг урушидан эсон-омон ўтирса-ю, муслмон унинг тили жабридан қутула олмаса», яъни кофир унинг қўлидан азоб кўрмаса-ю, муслмон унинг тилидан саломат бўлмаса.

«?Ғийбат ўзи нима»

Муҳаммад Абдулҳай Лакҳнавий

Таржимон: Ёрқинжон Фозилов

[1] «Ихёу улумид-дин»да Мужоҳиддан нақл қилинган.

[2] Ҳумаза сураси, 1-оят.